

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2014 йил май ойининг 29-кунида жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди ўз биносида, очик суд мажлисида раислик қилувчи О.Абдурасулов, М.Мукумовнинг котибалигида, томонлардан Термиз шаҳар прокурорининг ўринбосари Ў.Ибрагимов, судланувчи С.Холбоев ва унинг адвокати-ҳимоячи Р.Калканов, фуқаровий даъвогар Г.Абдурахманова, М.Хамраева, фуқаровий даъвогар вакиллари Ж.Абдурахманов ва Т.Сувановларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «а,б» бандлари билан айбланиб судга берилган Холбоев Сухроб Турсоат ўғлига нисбатан юритилган 1-1901-2402/184—сонли жиноят иши бўйича судланувчи, фуқаровий даъвогарлар ва уларнинг вакиллари ҳамда гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши материалларини батафсил муҳокама қилиб қўйидагиларни

а н и қ л а д и :

Холбоев Сухроб Турсоат ўғли, 1997 йил 27 апрель куни Термиз шаҳрида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам 07.12.2018 йил Сариосиё туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 128-моддаси 1-қисми билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, 04.06.2019 йил жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди томонидан ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмаган 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, 20.06.2020 йил жиноят ишлари бўйича Қамаш туман суди томонидан ЖКнинг 74-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган 1 йил 5 ой 18 куни шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 05.02.2021 йил жиноят ишлари бўйича Термиз туман суди томонидан ЖКнинг 73-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган 11 ой 14 кунидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, ишламаган, Термиз шаҳри, «Боғишамол» маҳалласи, Шабада кўчаси, 4/1-уйда яшайди, иш бўйича 23.03.2024 йилдан эҳтиёт чораси тариқасида қамокда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 31 март куни олган.

Холбоев Сухроб Турсоат ўғли фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, ўзига олдиндан таниш бўлган Р.Ядгаровага ўзи савдо агенти вазифасида ишлаб келаётган Андижон вилоятида жойлашган “An rich farm” номли МЧЖ



томонидан Туркия давлатига саёхатга жўнатишини ваъда қилиб, дастлаб Р.Ядгарова томонидан тақдим этилган шахсий маълумотлари асосида саёхатга жўнатиш имконияти бўлмаганлигини айтиб, Р.Ядгаровани унинг фарзанди Ш.Абдурахмонованинг паспорт маълумотлари ва идентификация сурати асосида юборишини айтиб, алдов йўли билан Ш.Абдурахмонованинг паспорт ва юзининг идентификация суратини қўлга киритиб, суд ва тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган Redmi 9A русумли уяли алоқа воситасидан фойдаланган ҳолда Ш.Абдурахмонованинг ушбу маълумотларини “Анор банк” АЖнинг мобил иловаси ахборот тизимига киритиб, мазкур мобил илова орқали 29.12.2023 йилда 5 млн 600 минг сўм, 15.01.2024 йилда 2 млн 800 минг сўм, 26.01.2024 йилда 3 млн 900 минг сўм, жами 12 млн 300 минг сўм миқдордаги кредит маблағларини унинг номидан онлайн тарзда расмийлаштириб, ажратилган кредит маблағларини “Анор банк” АЖнинг мобил иловасидаги “Анор банк” онлайн картасига тушириб олиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, С.Холбоев фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-торож қилишда ифодаланган жиноятини қасддан такроран давом эттириб, ўзининг мазкур ҳаракатлари билан моддий манфаат кўришни ўз олдига мақсад қилиб, мазкур мақсадига эришиш учун ўзига олдиндан таниш бўлган Р.Ядгаровага ўзи савдо агенти вазифасида ишлаб келаётган Андижон вилоятида жойлашган “An rich farm” номли МЧЖ томонидан Туркия давлатига саёхатга жўнатишини ваъда қилиб, дастлаб Р.Ядгарова, сўнгра унинг қизи Ш.Абдурахманова томонидан тақдим этилган шахсий маълумотлари асосида саёхатга жўнатиш имконияти бўлмаганлигини айтиб, Р.Ядгаровани унинг фарзанди Г.Абдурахмонованинг паспорт маълумотлари ва идентификация сурати асосида юборишини айтиб, алдов йўли билан Г.Абдурахмонованинг паспорт ва юзининг идентификация суратини қўлга киритиб, суд ва тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган Redmi 9A русумли уяли алоқа воситасидан фойдаланган ҳолда Г.Абдурахмонованинг ушбу маълумотларини “Анор банк” АЖнинг мобил иловаси ахборот тизимига киритиб, мазкур мобил илова орқали 03.01.2024 йилда 8 млн сўм, 15.01.2024 йилда 9 млн 200 минг сўм, 26.01.2024 йилда 5 млн 200 минг сўм, жами 22 млн 140 минг сўм миқдордаги кредит маблағларини унинг номидан онлайн тарзда кредит расмийлаштириб, кредит маблағларини “Анор банк” АЖнинг мобил иловасидаги “Анор банк” онлайн картасига тушириб олиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, С.Холбоев фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-торож қилишда ифодаланган жиноятини қасддан такроран давом эттириб, ўзининг мазкур ҳаракатлари билан моддий манфаат кўришни ўз олдига мақсад қилиб, мазкур мақсадига эришиш учун М.Хамраевага ўзи савдо агенти вазифасида ишлайдиган Андижон вилоятида жойлашган “An rich farm” номли МЧЖ



томонидан келгусида Туркия давлатига саёхатга жўнатиш учун авиачипта сотиб олиб беришни ваъда қилиб, алдов йўли билан М.Хамраеванинг паспорт ва юзининг идентификация суратини қўлга киритиб, суд ва тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган Redmi 9A русумли уяли алоқа воситасидан фойдаланган ҳолда М.Хамраеванинг ушбу маълумотларини “Анор банк” АЖнинг мобил иловаси ахборот тизимига киритиб, мазкур мобил илова орқали 03.01.2024 йилда 10 млн сўм, 15.01.2024 йилда ҳам 10 млн сўм, 23.01.2024 йилда 4 млн 600 минг сўм, 29.01.2024 йилда 10 млн сўм, жами 34 млн 600 минг сўм миқдордаги кредит маблағларини унинг номидан онлайн тарзда кредит расмийлаштириб, кредит маблағларини “Анор банк” АЖнинг мобил иловасидаги “Анор банк” онлайн картасига тушириб олиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Судда судланувчи С.Холбоев айбига қисман иқрорлик билдириб, 2023 йил январь ойида “бад”, яъни биологический активний добавка туркумига кирувчи дори маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи Андижон вилоятида жойлашган “Эн рич фарм” МЧЖга савдо агенти вазифасига ишга қабул қилинган, жамият агенти сифатида Сурхондарё вилоятида жойлашган дорихоналарга жамиятда ишлаб чиқарилаётган дори маҳсулотларини реклама қилиш ва сотишдан иборат бўлганлиги, бунда одатда дорихона эгалари ва шифокорлар билан учрашганлиги, шу сабабли 2023 йил март ойида Термиз шаҳрида жойлашган “СунСит” номли шахсий клиникада ишловчи гинеколог акушер шифокор Р.Ядгорова билан яқиндан танишиб қолганлиги, 2023 йил декабрь ойида Анор банк томонидан телефонида банкнинг мобил иловаси орқали 50 млн.дан 100 млн.гача онлайн тарзда кредит расмийлаштириш мумкинлиги ҳақида СМС хабарнома келганлиги, бунинг учун мобил илова орқали онлайн тарзда кредит олаётган шахс маълумотлари ҳамда юзнинг бир неча сонияли видео тасвири керак бўлганлиги, 2023 йил октябрь ойида жамият томонидан дори маҳсулотларининг олдиндан 100 фоизлик тўлови учун 20% гача чегирма эълон қилинганлиги сабабли, ушбу чегирмадан фойдаланиб, яхши даромад қилишни ният қилганлиги, лекин унда бундай пул миқдори бўлмаганлиги сабабли Анорбанкдан кредит пул маблағи олишни мақсад қилиб, бунинг учун 2023 йил ноябрь ойида Р.Ядгарованинг ишончидан фойдаланиб, унга ёлғон сўзлар ишлатиб, яъни унга у ишлаётган жамият улар билан яхши ҳамкорликка эришган мижозларни Туркия давлатига саёхатга жўнатишни режалаштирилаётганлигини, уни ҳам Туркия давлатига юборишни ваъда қилиб, бунинг учун унга паспорт маълумотлари ва юзининг тасвири кераклигини айтиб, Р.Ядгарованинг паспорт маълумоти ва ўзининг “Редми 9А” русумли телефон аппаратида унинг юзини бир неча сониялик видео тасвирини тушириб, унга маълумотларини Тошкентга ташлаб беришини ва Туркияга кетувчилар рўйхатига қўшиб, саёхатга юборишини айтганлиги, бироқ Р.Ядгарованинг МИБда қарздорлиги бўлганлиги учун унинг маълумотлари асосида кредит олиш имконияти бўлмаганлиги, шунда Р.Ядгарованинг қизларини унинг ўрнидан ўйинда қатнашиб, чипталарни



ютиб олса, қизларининг ўрнидан ўзи кетиши мумкинлигига ишонтириб, Р.Ядгарованинг қизи Ш.Абдурахмонованинг паспорт маълумотлари ва идентификация суратини юқоридаги алдов йўли билан қўлга киритиб, ушбу маълумотларни Redmi 9A русумли уяли алоқа воситасидан фойдаланган ҳолда ахборот тизимига киритиб, Ш.Абдурахмонованинг номидан онлайн тарзда кредит расмийлаштириб, “Анор банк” АЖнинг мобил иловаси орқали 29.12.2023 йилда 5 млн 600 минг сўм, 15.01.2024 йилда 2 млн 800 минг сўм, 26.01.2024 йилда 3 млн 900 минг сўм, жами 12 млн 300 минг сўм миқдордаги кредит маблағларини олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганлиги, шунингдек, бу вақтлар оралиғида Р.Ядгарова билан яна боғланиб, унга кичик қизининг рўйхати тасдиқланмаганлигини, бошқа бир қизини рўйхатдан ўтказиши кераклигини айтиб, унга ёлғон гапириб, Р.Ядгарованинг катта қизи Г.Абдурахмонованинг маълумотларини ҳам худди синглиси Ш.Абдурахманова каби олиб, ушбу маълумотларни Redmi 9A русумли уяли алоқа воситасидан фойдаланган ҳолда ахборот тизимига киритиб, Г.Абдурахмонованинг номидан онлайн тарзда кредит расмийлаштириб, 03.01.2024 йилда 8 млн сўм, 15.01.2024 йилда 9 млн 200 минг сўм, 26.01.2024 йилда 5 млн 200 минг сўм, жами 22 млн 140 минг сўм миқдордаги кредит маблағларини “Анор банк” АЖнинг мобил иловасидаги “Анор банк” онлайн картасига тушириб олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганлиги, худди шунингдек, 2023 йил декабрь ойининг охирида Денов туманидаги туғруқхонада ишлаб келаётган Т.Хамраева билан танишиб, унинг маълумотларидан фойдаланган ҳолда Анорбанк орқали кредит олишни режалаштириб, уни ҳам Туркия давлатига саёҳатга жўнатишини ваъда қилиб, бу учун йўлланма ва авиачипта сотиб олиш деб, Т.Хамраеванинг паспорт маълумотлари ва идентификация суратини алдов йўли билан қўлга киритиб, Redmi 9A русумли уяли алоқа воситасидан фойдаланган ҳолда ушбу маълумотларни “Анор банк” АЖнинг мобил иловаси ахборот тизимига киритиб, М.Хамраеванинг номидан онлайн тарзда кредит расмийлаштириб, банкнинг мобил иловаси орқали 03.01.2024 йилда 10 млн сўм, 15.01.2024 йилда ҳам 10 млн сўм, 23.01.2024 йилда 4 млн 600 минг сўм, 29.01.2024 йилда 10 млн сўм, жами 34 млн 600 минг сўм миқдордаги кредит маблағларини чиқартириб олиб, ушбу маблағни “Анор банк” АЖнинг мобил иловасидаги “Анор банк” онлайн картасига тушириб олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи С.Холбоевнинг айби, унинг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, қуйидаги далиллар билан яъни:

- фуқаровий даъвогар Г.Абдурахманова судда 2024 йил 08 март куни ўзининг пластик картасидаги пул маблағидан 15 минг сўм Анор банк томонидан кесилганлигини пайқаб, бу ҳақда синглиси Ш.Абдурахмановага кўнғироқ қилганлиги ва унга кетма-кет 3 маротаба банк пластик картасидан пуллар кесиб кетилганлигини айтганлиги, шундан сўнг Ш.Абдурахманова билан нима сабабдан пул ечиб кетилганлигига аниқлик киритиш учун Анор



банк АЖ Термиз сотув бўлимига мурожаат қилиб боришганлиги, мурожаатларига асосан банк ходимлари унга “Анор банк” АЖнинг мобил иловаси орқали 03.01.2024 йилда 8 млн сўм, 15.01.2024 йилда 9 млн 200 минг сўм, 26.01.2024 йилда 5 млн 200 минг сўм, жами 22 млн 140 минг сўм миқдордаги кредит маблағлари олганлигини, сингиси Шахло ҳам 29.12.2023 йилда 5 млн 600 минг сўм, 15.01.2024 йилда 2 млн 800 минг сўм, 26.01.2024 йилда 3 млн 900 минг сўм, жами 12 млн 300 минг сўм миқдордаги кредит маблағлари олганлигини маълум қилишганлиги, шундан сўнг банк ходимларига шахсан ўзлари мазкур кредит пуллари олиш бўйича мурожаат қилишмаганлигини айтганлиги, шундан сўнг айбдорни топиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишганлиги, суриштирув ҳаракатлари томонидан ушбу кредитни уларнинг номидан С.Холбоев у ва сингисининг маълумотларидан фойдаланган ҳолда чиқариб рамиёлаштириб олганлиги аниқланганлиги, унга қадар С.Холбоевни 2023 йил декабрь ойида таниганлиги, ўшанда С.Холбоев 2023 йил 28 декабрь куни ўзи ишлаб келаётган жамият томонидан онаси Р.Ядгаровани Туркия Давлатига саёхатга жўнатишини, лекин онасининг паспорт маълумотлари ва юзининг тасвир маълумотлари орқали чипта олаолмаганлигини ва унинг ўрнига унинг сурати ва паспорт маълумотларини ҳам текшириб кўриб, агарда маъқулланса, онасига Туркияга чипта расмийлаштириб, саёхатга юборишини айтганлиги учун дастлаб ўзи кейинроқ сингиси Шахлдан паспорт маълумотлари ва бир неча сонияли юзининг видео тасвирини олганлиги, С.Холбоев ўзларининг мазкур маълумотлари асосида “Анор банк” АЖнинг мобил иловаси орқали ўзи ва сингиси номига кредитлар олиб ўзлаштириб кетганлиги аниқланганлиги, натижада банк муассасасида томонидан ўзининг иш ҳақи пластик картасидаги маълум миқдордаги пуллар мазкур кредит қарздорлигини қоплаш учун пул ечиб олинганлиги, судланувчи С.Холбоевдан ўзига етказилган зарарни ундириб, кредит маблағларини С.Холбоевнинг ўзига йўналтиришни сўраб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар вакили Ж.Абдурахманов фуқаровий даъвогар Ш.Абдурахманова опаси бўлиши, судланувчи С.Холбоев томонидан опаси Ш.Абдурахманованинг номига “Анор банк” АЖнинг мобил иловаси орқали 29.12.2023 йилда 5 млн 600 минг сўм, 15.01.2024 йилда 2 млн 800 минг сўм, 26.01.2024 йилда 3 млн 900 минг сўм, жами 12 млн 300 минг сўм миқдордаги кредит маблағлари олганлигини жиноят ишининг дастлабки тергов босқичида билганлиги, бироқ унга қадар С.Холбоев онаси Р.Ядгаровани Туркия давлатига саёхатга юборишини ваъда қилиб, дастлаб онасининг маълумотларини олиб, ушбу маълумотлар билан Туркия давлатига саёхатга юбориш учун чипта олаолмаганлигини айтиб, кейин опалари Г.Абдурахманова ва Ш.Абдурахмановаларнинг паспорт ва бир неча сонияли юзининг тасвирини олганлигидан хабари борлиги, тергов даврида С.Холбоев Г.Абдурахманова ва Ш.Абдурахмановаларнинг маълумотларини мобил илова орқали ахборот тизимига киритиб, уларга билдирмасдан номларидан онлайн тарзда кредит расмийлаштириб олганлигини билганлиги, шу сабабли банк муассасаси томонидан ушбу кредит қарздорлиги учун опаси



Ш.Абдурахманованинг пластик картасидан пул маблағлари ечиб олинганлиги, шу сабабли судланувчи С.Холбоевдан Ш.Абдурахманова фойдасига ушбу ўтказилган пул маблағини ундириб, кредит қарздорлигининг қолган қисмини С.Холбоевдан банк фойдасига ундиришни белгилашни сўраб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар М.Хамраева судда 2023 йил декабрь ойининг охирларида ёнига ўзини Сухроб билан таништирган йигит келиб, “Эн рич” МЧЖнинг агенти эканлигини, ўзи ишлайдиган жамиятда ишлаб чиқариладиган дори махсулотларини реклама қилиб, унга ушбу дориларини беморларига тавсия қилишини, агарда у билан ишлаб, у реклама қилаётган дори махсулотларини беморларга тавсия қилишга рози бўлса, уни 2024 йил январь ойида чет давлатига саёхатга жўнатишини айтиб ишонтирганлиги, С.Холбоев уни чет элга саёхатга юборишида унга чипта олиши учун унинг паспорт маълумотлари ва юзининг сурати кераклигини айтганлиги сабабли унга паспорт маълумотларини бериб, шу билан бирга С.Холбоев ўзининг уяли телефон аппаратида юзининг суратини ҳам тасвирга тушириб олиб кетганлиги, бироқ С.Холбоев ушбу маълумотларидан фойдаланган ҳолда унинг номига “Анор банк” АЖ мобил иловаси орқали жами 34 млн 600 минг сўм миқдорда кредит маблағларини олиб, ушбу пулларни ўзининг эхтёжларига сарфлаб юборганлигидан хабар топганлиги, бироқ ўзининг пластик картасифдаги пул маблағидан кредит суммаларининг ойлик тўловлари банк муассасаси томонидан ечиб олинганлиги, судланувчидан унга етказилган зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Анорбанк АЖнинг вакили Т.Сувонов банкнинг Термиз сотув бўлимида юристконсулт вазифасида ишлаб келиши, ҳақиқатдан ҳам Ш.Абдурахмонова, Г.Абдурахманова ва Т.Хамраеванинг паспорт маълумотлари ва идентификация суратидан фойдаланилган ҳолда “Анор банк” АЖнинг мобил иловаси орқали Ш.Абдурахманова номига 29.12.2023 йилда 5 млн 600 минг сўм, 15.01.2024 йилда 2 млн 800 минг сўм, 26.01.2024 йилда 3 млн 900 минг сўм, жами 12 млн 300 минг сўм миқдордаги, Г.Абдурахмонова номига 03.01.2024 йилда 8 млн сўм, 15.01.2024 йилда 9 млн 200 минг сўм, 26.01.2024 йилда 5 млн 200 минг сўм, жами 22 млн 140 минг сўм миқдордаги ва М.Хамраевага 03.01.2024 йилда 10 млн сўм, 15.01.2024 йилда ҳам 10 млн сўм, 23.01.2024 йилда 4 млн 600 минг сўм, 29.01.2024 йилда 10 млн сўм, жами 34 млн 600 минг сўм миқдордаги кредит маблағлари олинганлиги, мазкур жиноят иши доирасида ушбу кредит маблағлари С.Холбоев томонидан юқоридаги шахсларнинг маълумотларини банкнинг мобил ахборот тизимига киритиб, паспорт ва юз суратидан фойдаланилиб улар номидан онлайн тарзда кредит расмийлаштириб, кредит маблағларини “Анор банк” АЖнинг мобил иловасидаги “Анор банк” онлайн тушириб олганлигидан хабардор бўлганлиги, Анор банк мобил иловаси орқали онлайн тарзда кредит маблағларини олишнинг имкони мавжудлиги, телефон орқали оддий йўл билан мобил илова орқали тез ва осон 100 млн сўмгача онлайн тарзда кредит олиш мумкинлиги, онлайн кредит маблағларини олиш дастлаб интернет ёрдамида телефонга иловани юклаб



олиб, сўнгра биринчи босқичда дастлаб телефон рақам киритилиб, сўнгра иловага кириш коди яратилиши, сўнгра мазкур илова орқали кредит олиш учун кредит бўлимига ўтиб, кредит тури танланиши, сўнгра мазкур кредит олаётган миждознинг паспорт маълумотларини киритгач, миждознинг юзини идентификация қилиш уни суратга олиш жараёнидан ўтилиши, ушбу босқичлар якунлангач, миждоз кредит бўлимига ўтиб, миждоз ўзига керак суммани танлаб, кейинги босқичга ўтиши, кейинги босқичда тахминан 5 дақиқа ичида кредит миждознинг рақамига очилган Анор банк иловасидаги электрон ҳамёнга тушиши, сўнгра миждознинг хохишига кўра у томонидан мазкур кредит маблағлари ўзининг хоҳлаган банк карталаридан бирига тушириб олиш мумкинлиги, шу билан бирга кредит олиш жараёнида барча тасдиқ кодлар иловага киришда дастлаб киритилган телефон рақамга бориши ва яна миждознинг паспорт маълумотлари ва юз сурати миждоздан фақатгина бир маротаба сўралиши, худди шу миждоз иккинчи маротаба кредит олаётган вақтида ундан паспорт маълумотлари ва юз сурати талаб қилинмаслиги, онлайн тарзда олинган кредит маблағларини вақтинча тўхтатишнинг имкони йўқлиги, шу сабабли мазкур ажратилган кредит маблағларидан жами қарздорлик 71.626.727 сўмни ташкил этиши, ушбу қарздорликни айбдор шахслардан банк фойдасига ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Р.Ядгарова Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва “СунСит” номли шахсий клиникасида акушер гинеколог шифокори вазифасида ишлаб келиши, 2023 йил ёз ойларида клиникага Турсоат исмли танишининг ўғли эканлигини айтиб таништирган Холбоев Сухроб, дори ишлаб чиқарадиган фирмада агент вазифасида ишлашини, фирманинг дори маҳсулотларини реклама қилиб сотиш билан шуғулланишини айтганлиги ва ундан ушбу дориларни беморларига тавсия қилишини сўраганлиги, С.Холбоев тавсия қилган дориларни беморларга тавсия қилганлиги боис, С.Холбоев унга янги телевизор ҳам совға қилганлиги, у ўзидан Туркияга саёхат қилиш нияти бор-йўқлигини сўраганида бунга розилигини билдирганлиги, ўшанда С.Холбоев унга Туркияга кетадиганларнинг рўйхатини шакллантиришда ва уларга чипта сотиб олиш учун унга паспорт маълумотлари ва юзининг сурати керак бўлишини айтганлиги, шу тариқа у ўзидан паспорти ва юзининг тасвирини олиб кетганлиги, бироқ С.Холбоев унинг қарздорлиги борлиги сабабли маълумотлари асосида Туркия давлатига йўлланма расмийлаштира олмаганлигини, Туркияга қизларининг маълумотларини олган ҳолда ҳам уни жўната олишини айтиб, дастлаб қизи Ш.Абдурахманованинг кейинчалик қизи Г.Абдурахманованинг паспорт маълумотларини ва юзининг суратини олганлиги, бироқ унга Туркия давлатига саёхат учун йўлланма ва чипта ҳам олинмаганлиги, кейинчалик С.Холбоев қизларининг паспорт маълумотлари ва юз суратларидан ўзининг ғаразли ва паст ниятларда, уларни алдаб фойдаланган ҳолда қизларининг номига онлайн кредит олиб, мазкур кредит маблағларини ўзига ўтказиб олиб, эҳтиёжларига сарфлаб юборганлигини билганлиги ҳақида кўрсатув берди.

шунингдек,



- гувоҳ Ш.Нуралиеванинг дастлабки терговдаги ўқиб эшиттирилган кўрсатувлари, иш хужжатларидаги сўроқ баённомалари, фото суратлар ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд судланувчининг жиноий ҳаракати квалификациясига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи С.Холбоевнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида “Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради”;

4-бандида “Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатиши) тааллуқли бўлиши мумкин” деб тушунтириш берилган.

Иш хужжатларига кўра, С.Холбоев Анорбанкдан кредит пул маблағи олишни мақсад қилиб, ўзи ишлаётган жамият билан яхши ҳамкорликка эришган фуқароларни Туркия давлатига саёхатга жўнатишни ваъда қилиб, Р.Ядгарова, Ш.Абдурахманова, Г.Абдурахманова ва М.Хамраеваларнинг паспорт маълумотлари ва юзларининг тасвирларини ўз мақсадига эришиш учун алдаш воситаси сифатида фойдаланиб, ушбу маълумотларни алдов йўли билан қўлга киритиб ва ушбу маълумотларни уяли телефон апаратидан фойдаланган ҳолда “Анор банк” АЖнинг мобил иловасига юклаб, бу орқали банк муассасасидан Ш.Абдурахманова, Г.Абдурахманова ва М.Хамраева номига онлайн кредит маблағларини чиқаришга эришиб, банк ҳисобида бўлган пул маблағларини фирибгарлик билан ўзлаштирган.

Юқоридаги Пленум қарорининг 22-бандида ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш (ЖК 168-моддаси учинчи қисми “г” банди) деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва ш.к. ларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер техника воситалари, алоқа воситаси, планшет ёки бошқа шу каби техник қурилмалар ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилиши, бундай фирибгарлик компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган



ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан ҳам, компьютер тизимига ёлгон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Юқоридаги Пленум тушунтиришлари ва иш ҳолатларига кўра, судланувчи С.Холбоевнинг ҳаракати ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб такроран фирибгарлик жиноятини содир этиш деб баҳоланади.

Шунга кўра, суд судланувчи С.Холбоевнинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,б” бандларидан шу Кодекснинг 168-моддаси 3-қисми “б,г” бандларига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи С.Холбоевга жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг айбига қисман бўлса-да иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, жиноятни паст ниятда содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд, жазони енгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатларни, судланувчининг шахсини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини, шу билан бирга фуқаровий даъвогарларнинг даъвоси борлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1,3-бандлари тушунтиришларига амал қилиб, юқоридаги қайд этиб ўтилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, С.Холбоевга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинламаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, тайинланаётган жазони ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “в” бандига асосан қаттиқ тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни лозим топади.

Суд иш бўйича келтирилган зарар миқдорига ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи С.Холбоев фирибгарлик йўли билан ўзгалар номига расмийлаштирилиб чиқарилган банк кредит маблағларини ўзлаштирганлиги сабабли мазкур кредит маблағлари учун Ш.Абдурахмановадан 1.085.971,76 сўм, Г.Абдурахманова томонидан 828.263,63 сўм ва М.Хамраева томонидан 2.524.479,43 сўм пул маблағлари ундириб олинганлиги сабабли уларнинг фойдасига ўша миқдордаги пул маблағларини, шунингдек, иш бўйича олинган тўланмасдан кредит қарздорлигининг 63 802 321,77 сўмини Анорбанк АЖ фойдасига ундиришни белгилашни;

шунингдек, фуқаровий даъвогарларга мазкур жиноят иши бўйича ундирилмасдан қолинган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушинтиришни;

иш юзасидан ашёвий далил тариқасида олинган 150 АҚШ долларини С.Холбоевнинг яқин қариндошларига қайтаришни, 16 дона А4 форматдаги



листлар ва бир дона СД-Р диск жиноят иши билан бирга сақланаётганлигини эътироф этишни лозим топади.

Юқорида баён этилганларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 497³, 497⁴-моддаларига асосланиб, суд

х у к м қ и л а д и

Холбоев Сухроб Турсоат ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «б,г» бандларида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Холбоев Сухроб Турсоат ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «б,г» бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 23 март кунидан ҳисоблансин.

Холбоев Сухроб Турсоат ўғлига нисбатан қўлланилган «қамоқ» эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланувчи С.Холбоевдан Ш.Абдурахманова фойдасига 1.085.971,76 сўм, Г.Абдурахманова фойдасига 828.263,63 сўм, М.Хамраева фойдасига 2.524.479,43 сўм ва Анорбанк АЖ фойдасига 63 802 321,77 сўм ундирилсин.

Фуқаровий даъвогарларга ундирилмай қолинган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушинтирилсин.

Иш юзасидан ашёвий далил тариқасида олинган 150 АҚШ доллари С.Холбоевнинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Иш юзасидан ашёвий далил тариқасида олинган 16 дона А4 форматдаги листлар ва бир дона СД-Р диск жиноят иши билан бирга сақланаётганлиги эътироф этилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

О.Абдурасулов

